

**ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК
ТАРБИЯЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

Г.Камолова

Низомий номидаги ТДПУ тадқиқотчиси

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ
КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ ВОСПИТАТЕЛЕЙ НА ОСНОВЕ
ИНТЕГРАТИВНОГО ПОДХОДА.**

Г.Камолова

Научный сотрудник ТДПУ им. Низами.

**PEDAGOGICAL ASPECTS OF THE DEVELOPMENT OF
PROFESSIONAL COMPETENCE OF FUTURE EDUCATORS BASED ON
AN INTEGRATIVE APPROACH.**

G.Kamolova

Researcher at TDPU named after Nizami.

Аннотация: ушбу мақолада мактабгача таълим тизимида бўлажак тарбиячиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг долзарблиги, замонавий ижтимоий муносабатлар, инновацион ютуқларнинг алмашиниш тезлиги, кадрлар тайёрлаш тизими мазмуни ва сифатини узлуксиз ривожлантириш масалалари ёритилган.

Аннотация: в данной статье рассматриваются вопросы актуальности развития профессиональной компетентности будущих педагогов в системе дошкольного образования, современных общественных отношений, курса обмена инновационными достижениями, непрерывного развития содержания и качества системы подготовки кадров.

Abstract: this article discusses the relevance of the development of professional competence of future teachers in the preschool education system, modern public relations, the exchange rate of innovative achievements, the continuous development of the content and quality of the training system.

Калит сўзлар: компетенция, инновация, модернизация, технология, стандарт компетенция, шахсий фазилатлар, ёндашув, узлуксиз таълим.

Ключевые слова: компетентность, инновация, модернизация, технология, стандартная компетентность, личностные качества, подход, непрерывное образование.

Keywords: competence, innovation, modernization, technology, standard competence, personal qualities, approach, continuing education.

Мамлакатимизда олий таълим соҳасини ривожлантириш, таълимга қўйиладиган талабларни оптималлаштириш, педагог ва таълим олувчи муносабатлари самарадорлигини ошириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Узлуксиз таълим тизимида интегратив ёндашув асосида бўлажак тарбиячиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда билим, малака ва қўникмаларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Узлуксиз таълимнинг самарали амалга оширилиши тизимнинг барча бўғин субъектларида рақобатбардошлик, кўп қирралиликни таъминлашга боғлиқ бўлиб, энг аввало, замонавий ижтимоий муносабатлар, инновацион ютуқларнинг алмашиниш тезлиги, айниқса, кадрлар тайёрлаш тизими мазмуни ва сифатини узлуксиз такомиллаштириш жараёни билан тавсифланади. Шунинг учун Республикаизда таълим тизимини ривожлантиришнинг муҳим истиқболли йўналишларидан бири – олий таълим тизимида бўлажак кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга эришиш, мамлакатимиз ва хориждаги энг илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш ҳамда замонавий инновацион ўкув муҳитини яратишдан иборат. Хозирги даврда таълим самарадорлигини ошириш, мутахассисларнинг касбий компетентлик даражасини ривожлантириш, педагог кадрларни инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидаги ўкув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва аниқ мақсадга йўналтириш олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифа сифатида белгиланди. Жамиятни ислоҳ қилиш ва уни ташқи дунё учун янада очиқ ҳамда янги технология ва билимларга йўналтирилган жамиятнга айлантиришда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этади. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар жамиятнинг ривожланиш истиқболини белгилайди. Бугунги кунда меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш учун бугунги замон талабидан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришни



тақозо этмоқда.

Инсон касбий маҳоратининг зарурый қисми касбий компетенция ҳисобланади. Агар компетенция келажақдаги касбий фаолиятни амалга оширишга йўналтирилган битирувчининг салоҳиятли фазилатини ташкил этадиган мутахассисни тайёрлашга қўйилган хусусиятлар шахснинг тегишли компетенциясини эгаллаш даражасини кўрсатадиган хусусиятдир. Демак, шахснинг профессионаллиги муайян компетенцияларни қўйидагича гурухларга ажратиш мумкин:

- Шахс ва ҳаёт фаолияти субъекти сифатида ўзи билан боғлиқ компетентлар;
- Бошқа одамлар билан алоқа қилиш билан боғлиқ компетентлар.

Компетенцияни дастлаб қўйидаги турларга ажратиш мумкин:

Биринчи: Стандарт компетенция – доимий ва одатий вазиятларни бажариш қобилияти (эрталаб интернет, ОАВ орқали дунёда бўлаётган янгиликлар, касбига оид янгиликлар билан танишиб бориш, куролланиш – ғоявий-сиёсий компетентлик).

Иккинчи: Асосий компетенция – эгаллаб турган лавозимига оид инновацион вазифаларни бажариш қобилияти (муайян лавозим доирасида муаммоларни индивидуал ёндашган ҳолда ҳал қилиш).

Учинчи: Етакчи компетенция – касб фаолиятининг янги турларини яратади олиш қобилияти (касби нуқтаи назаридан етук билимга эга бўлиш, муаммоларни кўра олиш, янги турларини яратишга фаоллик кўрсатиш ҳамда бош бўлиш қобилияти). Демак, дастлабки компетенцияларни эгаллаш учун қўйидаги компетенцияларни билиш шарт. Улар қўйидагилар:

- 1.Лингвистик компетенция (коммуникатив мулоқот лаёқатига эга бўлиш).
- 2.Социал компетенция (муайян социал қатламлар, маданиятларни тушуниш лаёқати).
3. Прагматик компетенция (муайян вазиятлардан усталик билан чиқиб кета олиш қобилиятига эга бўлиш).

Психологик нуқтаи назардан компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолатларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик”ни англатади. Касбий компетентлик эса мутахассис томонидан қасбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, қўнишка ва малакаларнинг эгалланиши ва уларнинг амалда юқори даражада қўллай



олиниши ҳисобланади. Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади.

Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб бориш, янги ахборотларни ўрганиш, муҳим ижтимоий талабларни англай олиш, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади. Касбий компетентлик мураккаб жараёнлар, ноаниқ вазифаларни бажариш, бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланиш, кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда намоён бўлади. Шу ўринда, касбий компетенцияга эга бўлган мутахассислар ўз билимларини изчил бойитиб боради, янги ахборотларни ўзлаштиради, давр талабларини чуқур англайди, янги билимларни излаб топади, уларни қайта ишлаб уни ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди.

Интегратив ёндашув асосида бўлажак тарбиячиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари касбий компетентлигини юкори даражада шакллантирилиши билан узвий боғлиқ. Шу сабабли, замонавий таълим технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланиш негизида бўлажак тарбиячиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнининг назарий ҳамда амалий асосларини яратиш ўзига хос хусусиятларидан биридир[3]. Шунга кўра, интегратив ёндашув асосида бўлажак тарбиячиларнинг касбий компетентлигини олий таълим муассасасидаги фаолиятларини фаоллаштириш бугунги кунда талаб қилинаётган касбий компетентлик даражасини таъминлайдиган янгича ёндашувларни илмий асослаш долзарб вазифа бўлиб келмоқда. Касбий компетентлик тушунчасига нисбатан илмий доирада турли муносабатлар илгари сурилади. У меҳнат субъектига нисбатан аниқ фаолият талблари ёки айнан, субъектнинг аниқ фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларига нисбатан муносабатини тавсифловчи хусусият сифатида қўлланилади. Масалан, тадқиқотчи олим Э.Ф.Зеер фикрига кўра, касбий компетентликнинг функционал тараққиётини тадқиқ қилиш касбий камолотга эришиш чоғида компетентликнинг турли кўринишлари интеграциялашиб боришини ва уларнинг касбий муҳим шахс сифатлари билан алоқаси кучайиб боришини кўрсатади [4].

Компетентликнинг ривожланиш босқичларига таъсир этувчи омиллар, ривожланиш босқичлари инсоннинг онги билан боғлиқ ҳолдаги шаклларининг



даврлари алоҳида-алоҳида тадқиқот объектлари ҳисобланиб интеграцион асосда ўрганишни талаб этади. Хусусан, интегратив ёндашув асосида бўлажак тарбиячиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг асосий даражаларига касбий тайёргарлик ва тажриба, ўзини-ўзи англаш, ўз кучига ишониш, ўзга инсонлар томонидан кўрсатилган камчиликларни тўғри қабул қилиш ва шу каби бошқа касбий камолотни белгилаб берувчи педагогик хусусиятларини киритади.

Интегратив ёндашув асосида бўлажак тарбиячиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

- ҳар қандай муайян вазиятда, унинг турли хил жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда билимларни ўз ўрнида ва тезкорлик билан тўғри қўллай билиш;
- қарорларни қабул қила билишга қодирлик ва тайёрлик, шу билан бирга, мазкур вазият учун энг мақбул қарор вариантини танлай олиш;
- ижтимоий харакатларни ташкил этиш ва бунинг учун барча имкониятларни ишга сола билиш;
- фаолият доирасида бошқа одамлар билан ўзаро муносабатларни аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда ва мақсадга мувофиқ, мақбул тарзда ўrnата олиш имконини берадиган коммуникатив кўникмалар;
- муайян маънавий қадриятлар, дунёқараш, умуммаданий ва ахлоқий сифатларга эгалик, фаолиятга интилиш ҳиссининг мавжудлиги;
- ўзининг ижодий имкониятларини ривожлантириш, фаолиятнинг янги усусларини эгаллашга интилиш. Касбий компетентлик негизида мазкур сифатлар акс этади.

Касбий компетентликни шакллантиришнинг мақсади касбий ва шахсий ривожланиш жараёнида таълим олувчининг ўз-ўзини англаш, баҳолаш ва бошқариш каби таркибий қисмларни ривожлантириш ҳамда таълим муассасаларида ишлашга тайёрлаш ҳисобланса-да, шулар билан биргалиқда уларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари асосларини ўрганиш вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- педагогнинг касбий фаолиятида педагогик, умумкасбий ва ихтисосликка оид билимларни ўзлаштиришга нисбатан ижобий муносабатда бўлишга эришиш;
- педагогик ва ишлаб чиқариш жараёнларига хос бўлган муаммоли вазиятларда масалаларни ажратиб олиш ҳамда уларни ҳал қилиш усули сифатида педагогик ва техник-технологик тафаккурни ривожлантириш;



- педагогнинг касбий фаолиятида индивидуал таълим методини қўллай олиш, ўқув-педагогик ва ишлаб чиқариш ҳаракатларининг репродуктив ҳамда ижодий усулларини шакллантириш;
- касбий фаолиятида муҳим касбий-педагогик сифатларини яъни болаларни севиш ва бошқаларни ривожлантириш, касбий ва шахсий ўз-ўзини ривожлантириш эҳтиёжини юзага келтириш[2].

Касбий (шу жумладан, педагогик) компетентликка эга бўлишда ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитда меҳнат бозори нафақат касбий билим, кўникма ва малакалар билан боғлиқ бўлган салоҳиятли юқори талабларни қўймоқда. Шу билан бирга, тез ва самарали ўрганиш ва қайта таълимий тайёргарликдан ўтиш, жамоа бўлиб ишлаш, юқори мослашувчанлик ва стрессга чидамлилик, ижодий салоҳият ва фикрлашга эга бўлишга имкон берадиган шахсий фазилатлари ва хусусиятларининг ривожланишига ҳам боғлиқдир. Шу муносабат билан олий таълимда бир анчадан буён таълим тизимини янги босқичга кўтариш учун таълим ислоҳотлари олиб борилмоқда[1].

Бизнинг фикрига кўра, компетентлик намоён бўлишида муайян соҳада маълум бир ҳаракатни амалга ошириш, жумладан, юқори ихтисослашган билим, кўникма ва малакалар, фикрлаш усуллари ва ўз ҳаракатларини тўғри йўналтириш каби хусусиятлар талаб этилади:

- шахс компетентлиги касбий мотивация ва когнитив соҳага оид билимларнинг намоён бўлиши билан тавсифланади;
- самарали фаолият – бир нечта омилларнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ бўлиб, муайян вазиятда намоён бўладиган индивидуал қобилият ёки қобилият даражасига эмас, балки мақсад сари интилиш жараёнида турли хил вазиятларни қамраб оладиган бир қатор мустақил ва қўшимча компетентликларга ҳам боғлиқ бўлади.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, таълим муассасасида таҳсил олаётган талаба ёшларнинг умумий таҳсил жараёнларини илмий асосда ташкил этиш муҳим аҳамият эга. Ўз навбатида мазкур жараёнда интегратив ёндашувларга асосланган ҳолда, касбий ва шахсий сифатларга эга бўлиши, ихтиёрий вазиятларда ўзини-ўзи назорат қила олиш муҳимдир. Шу ўринда, таълим муассасасида тарбиявий муносабатларни эътиборга олган ҳолда фаолият олиб бориш, турли хил масалалар ва муаммоларни ҳал этишда мавжуд хуқукий-меъёрий мезонларга асосланиши



зарурият бўлиб, у бўлажак тарбиячиларнинг касбий компетентлигини юзага чиқаради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Илк қадам” Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўкув дастури. - Т.; -2018.-72 б. <https://lex.uz/docs/3255680>
2. Мактабгача таълим ташкилоти педагогининг касбий стандарти <https://lex.uz/docs/4154478>
3. Ахмедова М. Т. Педагогик компетентлик - Т.: -2016. - 84 б.
4. Баяни М.Н. Формирование коммуникативной компетентности будущего учителя-бакалавра: Дисс. канд. пед. наук.- Альметьевск, 2006.-38с.
5. Akbarovna, K. G. (2023). INTEGRATIV YONDASHUV ASOSIDA BO'LAJAK TARBIYACHILARNING KASBIY KOMPETENTLILIGINI RIVOJLANTIRISH MASALALARI. Лучшие интеллектуальные исследования, 8(4), 57-61.
6. Kamalova, G. (2023). TALABALARNI KASBIY KOMPETENTLIGINI INTEGRATIV YONDASHUV ASOSIDA RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK MOHIYATI. Namangan davlat universiteti Ilmiy axborotnomasi, (6), 497-503.
7. Камалова, Г. А. (2023). СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧАЩИХСЯ НА ОСНОВЕ ИНТЕГРАТИВНОГО ПОДХОДА. Intellectual Education Technological Solutions And Innovative Digital tools, 2(14), 213-221.
8. Artikbayeva, A. A. (2023). IJTIMOIY HAMKORLIK ASOSIDA BO'LAJAK TARBIYACHILARNING KASBIY KOMPENTENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH. Лучшие интеллектуальные исследования, 4(1), 187-190.
9. Xalilova Dilnoza Furqatovna. “Maktabgacha ta'lif tashkiloti bo'lajak tarbiyachilarining ijtimoiy kompetensiyasini shakllantirish ”. Ta'lif sifati – Yangi O'zbekiston taraqqiyotini yanada yuksaltirishning muhim omili, Qo'qon 21 iyun 2023 yil. 677-679.
10. Sultansaidova M. BO'LAJAK TARBIYACHILARNI KASBGA YO'NALTIRIB O'QITISHDA METODIK TAYYORGARLIKNI TAKOMILLASHTIRISH //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 107-109.
11. Abdullayevna, G. G., & Kamaldinovna, B. M. (2022). WAYS OF FORMATION OF TECHNOLOGICAL COMPETENCE IN FUTURE TEACHERS.



Proceedings of International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Paris, France.

Date: 19th March, 2024

ISSN: 2835-3730

Website: econferenceseries.com

12. Gaynazarova, G. A. Actual Problems of Continuous Qualification Improving of Preschool Educational Institution Tutors. Eastern European Scientific Journal. Ausgabe, ISSN, 21997977, 104-109.



E-Conference Series

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings